

1/2024,
yanvar-
fevral
(№ 00069)



ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА “АҚЛЛИ ҚИШЛОҚ”, “АҚЛЛИ МАҲАЛЛА” ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ОРҚАЛИ ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Мустафоев Голиб Султонмуродович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Рақамли иқтисодиёт”
кафедраси PhD, доценти gmustafojev@gmail.com

ORCID: <https://orcid.org/0000-0002-6983-4105>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss1/i22

Аннотация

Мақолада иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга катта аҳамият берилган бўлиб, хусусан, қишлоқ жойларида “Ақлли қишлоқ”, “Ақлли маҳалла” тизимини яратиш хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омили эканлиги, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун айнан янги хизматларга йўл очиш, самарадорлигини ошириш, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, мавжуд хизматларнинг локацияларини яратиш имкониятлари ишнинг илмийлигини оширишга хизмат қилган.

Калит сўзлар: Қишлоқ жойлари, “Ақлли қишлоқ”, “Ақлли маҳалла” хизмат кўрсатиш соҳаси, хизматлар, қишлоқ аҳолиси, тараққиёт, корхоналар, локация, устоз ва шогирт, платформа.

WAYS TO INTRODUCE MODERN SERVICES IN RURAL AREAS BY CREATING A "SMART VILLAGE", "SMART NEIGHBORHOOD" SYSTEM

Mustafojev Golib Sultonmurodovich

Associate professor of the department "Digital Economy" Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract

The article attaches great importance to the development of innovation of the economy, in particular, the fact that the creation of a "smart village", "Smart Neighborhood" system in rural areas is an important factor in the development of the service sector, it is for the development of the service sector in rural areas that the opportunities for opening new services, improving efficiency, ensuring

Keywords: rural areas, "smart village", "Smart Neighborhood" Service Area, Services, rural population, development, businesses, location, mentor and disciple, platform.

ПУТИ ВНЕДРЕНИЯ СОВРЕМЕННЫХ УСЛУГ В СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ ПУТЕМ СОЗДАНИЯ СИСТЕМЫ "УМНАЯ ДЕРЕВНЯ", "УМНОЕ МАХАЛЛЯ"

Мустафоев Голиб Султонмуродович

Доцент кафедры "Цифровая экономика" Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация

В статье придается большое значение развитию инновационной экономики, в частности, тому факту, что создание системы "умной деревни", "умного соседства" в сельской местности является важным фактором развития сферы услуг, именно для развития сферы услуг в сельской местности, что открывает возможности для открытия новых услуг, повышения эффективности, обеспечения

Ключевые слова: сельские районы, "умная деревня", зона обслуживания "Умный махалля", услуги, сельское население, развитие, предприятия, местоположение, наставник и ученик, платформа.

Кириш

Қишлоқ жойларида "Ақлли қишлоқ", "Ақлли маҳалла" тизимини яратиш хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг ортишига, мамлакат иқтисодиётида ўзининг ижобий аҳамиятидан далолат беради. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатидаги ҳиссаси ошиб борган сари қишлоқ жойлардаги аҳоли бандлигини таъминлаш осонлашади ва мамлакат иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир этади. Шу сабабли қишлоқ жойларида "Ақлли қишлоқ", "Ақлли маҳалла" тизим платформалари қишлоқ жойларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг "Тараққиёт стратегияси"да ҳам қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган бўлиб, устувор йўналишлар сифатида қаралган.

Адабиётлар таҳлили. Ю.С.Осипов "Хизмат ва хизмат кўрсатиш соҳаси деганда – бу тижорат ва нотижорат хизматларнинг барча турларини ўз ичига олган иқтисодиётнинг бир қисми бўлган корхоналар, ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хил хизматларни такрор ишлаб чиқаришни умумлаштирувчи категориядир"¹ деб таъкидлайди. Хизмат кўрсатиш соҳасини замонавий талқин этган олим профессор Н.А.Восколович бўлиб, унинг фикрича "Замонавий хизмат кўрсатиш соҳаси -бу миллий иқтисодиётнинг бир қисми бўлган ва жаҳон иқтисодиёти билан ўзаро боғлиқ фаолиятнинг динамик кўп функционал мажмуаси"² эканлигини қайд этади. Шунингдек, рус олимларидан В.Л.Бабурин., М.П.Ратановой ўзларининг "Экономическая и социальная география России: География отраслей народного хозяйства" номли ўқув қўлланмаларида хизмат кўрсатишни шундай таърифлайди: "Хизмат кўрсатиш соҳаси деганда иқтисодиётнинг учинчи гуруҳига бўлинган кенг доирадаги тармоқларни ўз ичига олган иқтисодий субъектларнинг ўзаро таъсирига хизмат қиладиган соҳа тушунилади"³ деб таърифлашади ва олимлар шу орқали хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодиётнинг учунчи сектори сифатида келтиришади. Қишлоқ жойларида "Ақлли қишлоқ"ни яратиш билан боғлиқ бўлган илмий қарашлар Лукаш Коморовский, Моника Станни⁴, Урсула

¹ Осипов Ю.С.— М.: Большая российская энциклопедия, [Сектор экономики](#). 2004—2017.

² Социально-экономические проблемы развития отдельных отраслей сферы услуг: Сборник статей / Под ред. Восколович Н.А., Молчанова И.Н. — М.: Экономический факультет МГУ имени М. В. Ломоносова, 2017. — 199 с.

³ Экономическая и социальная география России: География отраслей народного хозяйства России / Под ред. В. Л. Бабурин, М. П. Ратановой. — М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2013. — 516 с. — ISBN 978-5-397-03460-9.

⁴ Komorowski Lukasz and Stanny Monika: Smart Villages: Where Can They Happen? [Кириш йўли] https://www.mdpi.com/2073-445X/9/5/151#fig_body_display_land-09-00151-f007 (мурожат қилинган вақт 04.08.2023 йил соат 16:32)

фор дер Ляен⁵, Парвеен Кумар⁶, Вангевелд ва Холмслар⁷ илмий ишларида катта эътибор қаратган. Уларнинг илмий қарашлари мақоланинг таҳлил ва натижалар қисмида батафсил ёритилган.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақола қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида “Ақлли қишлоқ”, “Ақлли маҳалла” тизимини яратишга қаратилган тадқиқотларга бағишланган. Тадқиқот ишида статистик қиёсий таҳлил, илмий-назарий ва амалий таҳлил усулидан унумли фойдаланилганлиги, олдинга қўйилган мақсадга эришишда, қишлоқ жойларида “Ақлли қишлоқ”, “Ақлли маҳалла” тизимини йўлга қўйиш орқали хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини берган.

Таҳлил ва натижалар

Ривожланган мамлакатлар хизмат кўрсатиш соҳасини қишлоқ жойларида қишлоқ аҳолисининг замонавий талабини қондиришда асосий восита сифатида қарашади. Масалан Европа иттифоқи мамлакатлари (Белгия, Германия, Ирландия, Франция, Нидерландия, Италия ва бошқалар) қишлоқ жойларини ривожлантириш мақсадида 2020-2023 йилларга мўлжалланган “Ақлли қишлоқ 21” дастурини қабул қилган. “Ақлли қишлоқ 21” дастури Европа мамлакатлари қишлоқ жойларини инновацион ривожлантириш комплексини ўзида қамраб олади. Ушбу дастур доирасида илмий муассасалар, хусусий илмий фаолият билан шуғулланувчи етакчи ташкилотлар (E40, Finnvera, Pro agria, Luke, Lappia ва бошқалар) қишлоқ жойларини ривожлантирувчи асосий драйверлари (Хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, аграр хўжалик, ва бошқа соҳалар)ни доимий равишда инновацион ривожлантириш мақсадида илмий асосланган тадқиқотларини олиб борадилар. Хизмат кўрсатиш соҳаси кам ресурс истеъмол қилиши билан бутун дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Айнан ривожланган мамлакатлар “Ақлли қишлоқ 21” дастурида ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини барча қолган соҳаларни ривожлантирувчи ва ҳаракатлантирувчи “Локомотив” сифатида қарашган. Қишлоқ инфратузилмасини замонавий шакллантириш ва ривожлантиришда “Ақлли қишлоқ 21” дастури муҳимлигини қишлоқ аҳолисининг янги технологияларга асосланган хизмат кўрсатишга олиб келиши сабабли ҳам Европа иттифоқи “Ақлли қишлоқ”ни ташкил этиш қишлоқ аҳолисининг муаммоларини ҳал этилнинг оқилона йўли деб қарашади. Европа иттифоқи қўллаётган “Ақлли қишлоқ” дастурини мамлакатимизда жорий этишнинг қуйидаги муҳим йўналишлари бор:

Биринчидан, иқтисодий жихатдан қишлоқ аҳолиси даромад топиш мақсадидаги иш фаолиятининг аксари оғир меҳнат билан боғлиқ. Айнан қишлоқ жойларини “Ақлли қишлоқ”га айлантирилиши юқори илғор технологиялардан фойдаланишга иш ва меҳнат жараёнини енгиллаштиради. Хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам иқтисодий ўсишга олиб келади. Масалан, “Ақлли қишлоқ”да илғор технологиялардан фойдаланилганлиги сабабли, вақтни тежайди, турли ресурсларни

⁵ European smart villages forum [кириш йўли] <https://smart-villages.info/> (мурожат қилинган вақт 06.08.2023 йил соат 15:37)

⁶ Parveen Kumar “Smart neighborhood to enhance social sustainability and inclusive planning in smart cities” [кириш йўли] [https://www.researchgate.net/publication/289509973 SMART NEIGHBORHOOD TO ENHANCE SOCIAL SUSTAINABILITY AND INCLUSIVE PLANNING IN SMART CITIES Category Theme 1 Urban Regeneration and Sustainability or Theme 4 Smart City](https://www.researchgate.net/publication/289509973_SMART_NEIGHBORHOOD_TO_ENHANCE_SOCIAL_SUSTAINABILITY_AND_INCLUSIVE_PLANNING_IN_SMART_CITIES_Category_Theme_1_Urban_Regeneration_and_Sustainability_or_Theme_4_Smart_City) (мурожаат қилинган вақт 20/08/2023 йил соат 20:00)

⁷ Van Gevelt, Holmes J.A. “Vision for Smart Villages” [кириш йўли] <https://e4sv.org/wp-content/uploads/2015/08/05-Brief.pdf> (мурожаат қилинган вақт 20/08/2023 йил соат 21:43)


исроф бўлишининг олдини олади, иш ва хизмат жараёнидаги тезкорлик каби бошқа ижобий томонлари ортишига олиб келиши натижасида, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми ва янги турлари яралишига, соҳа ва тармоқлар ривожланишига, иш ўринлари пайдо бўлишига олиб келади.

Иккинчидан, ижтимоий жихатдан соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, туризм каби ижтимоий соҳаларнинг “Ақлли қишлоқ”да интеграцияси таъминланади. Масалан, соғлиқни сақлаш соҳаси қишлоқ жойларида юқори технологиялар билан таъминланмаслиги энг катта муаммо. “Ақлли қишлоқ” айнан шу муаммоларни ечишда кўчма юқори технологияларга асосланган кўрик кунларини ташкиллаштириши, электрон навбатларга ёзилишдаги платформаларга боғланиши таъминлаши, ҳар битта беморнинг электрон варақасини шакллантириши ва бошқа хизматларни кўрсатишда ягона “Ақлли қишлоқ” платформасининг ўзида хизматларни танлаш орқали истеъмол қилиши кабилар қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзига таъсир этади. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда мамлакатимиз қишлоқ жойларида хориж тажрибасидан унумли фойдаланиш имконини берса, иккинчи томондан ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан маҳаллий қишлоқ жойларининг тажрибасини солиштириш орқали хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишига олиб келадиган хусусиятларини тўғри танлаш имконини беради. Европа иттифоқи мамлакатлари “Ақлли қишлоқ 21” дастурида хизмат кўрсатиш соҳасини қишлоқ жойларида инновацион ривожлантиришда тадқиқот институтларининг илмий тавсияларига таянишади. Ҳозирда “Ақлли қишлоқ 21” дастури қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ихтисослаштириш мақсадида марказ ва комплексларга ажратган (1-расм).

1 – расмдан кўриш мумкинки Европанинг қишлоқ жойларда хизматларни маркази ва комплексларга ажратиш ҳар битта хизмат кўрсатиш турини алоҳида ихтисослаштиришга эришган. Хизмат кўрсатиш маркази қишлоқларда кичик тармоқ сифатида фаолиятни амалга оширса хизмат кўрсатиш комплекси хизмат кўрсатиш турларини ўзида жамлаган йирик ҳажмдаги хизмат кўрсатишни амалга оширади. Европа мамлакатлари қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини марказ ва комплексларга ажратиш орқали ривожлантиришни ихтисослаштирган. Қишлоқ жойларини ривожлантиришда ихтисослаштириш ҳудудий имкониятларига қараб шаклланиши хизматларни ривожлантиришда кўзланган натижани беришини илгари суришган.

Европа иттифоқи мамлакатлари “Ақлли қишлоқ 21” дастурида хизмат кўрсатиш соҳасини қишлоқ жойларида инновацион ривожлантиришда тадқиқот институтларининг илмий тавсияларига таянишади. Ҳозирда “Ақлли қишлоқ 21” дастури қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ихтисослаштириш мақсадида марказ ва комплексларга ажратган (1-расм).

1 – расмдан кўриш мумкинки Европанинг қишлоқ жойларда хизматларни маркази ва комплексларга ажратиш ҳар битта хизмат кўрсатиш турини алоҳида ихтисослаштиришга эришган. Хизмат кўрсатиш маркази қишлоқларда кичик тармоқ сифатида фаолиятни амалга оширса хизмат кўрсатиш комплекси хизмат кўрсатиш турларини ўзида жамлаган йирик ҳажмдаги хизмат кўрсатишни амалга оширади. Европа мамлакатлари қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини марказ ва



1-Расм. Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси⁸

комплексларга ажратиш орқали ривожлантиришни ихтисослаштирган. Қишлоқ жойларини ривожлантиришда ихтисослаштириш ҳудудий имкониятларига қараб шаклланиши хизматларни ривожлантиришда кўзланган натижани беришини илгари суришган.

“Ақлли қишлоқ”ни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ўзининг илмий-фикр қарабини илгари сурган олимлар кўп. Масалан, Лукаш Коморовский ва Моника Станни⁹ “Ақлли қишлоқ” дастурини ривожлантиришда 5 та асосий элементни қайд этишади. Хусусан, уларнинг фикрича ақлли ташаббуслар, ақлли инфратузилма, ақлли муассасалар, ақлли хизматлар, ақлли жамият кабилар қишлоқ жойларида “Ақлли қишлоқ”ни ривожлантириш элементи деб белгиланган. Аммо улар ҳар битта элементни нима учун ривожлантиришда муҳим эканлигини очиб беришмаган. Улардан фарқли равишда Европа иттифоқи қишлоқ жойларида “Ақлли қишлоқ” дастурини ривожлантириш бугунги дунёнинг тез ўзгаришлари билан ҳам нафас бўлишда, қишлоқ жойлари дуч келадиган муаммолар билан боғлиқ деб қўйидагиларни келтиришган:

1. Яшаш шароитидаги қийинчиликлар сабаб аҳолининг камайиши;
2. Иш ва имкониятларнинг етишмаслиги;
3. Шаҳар билан қишлоқ алоқаларидаги муаммолар;
4. Мобил алоқа, интернет сифатининг пастлиги ва етиб бормаганлиги;
5. Табiiй ресурслардан самарасиз фойдаланиш;
6. Қишлоқ соғлиқни сақлаш муассасаларининг юқори технологиялар билан таъминланмаганлиги;

7. Мактаб ва таълим марказларининг чекланган танлови¹⁰.

Европа Комиссияси президенти Урсула фор дер Ляен “Қишлоқ-жамиятимизни бириктирувчи ва иқтисодиётимизнинг юраги” дея ушбу сўзлар билан 2021 йил 30 июнда Европа Комиссияси қишлоқ жойларини ривожлантириш муаммоларини аниқлаш билан бир қаторда қишлоқ жойлари учун энг истиқболли имкониятларни таъкидлаб, Европа Иттифоқининг қишлоқ жойлари учун узоқ муддатли истиқболни илгари суради. Европа қишлоқларини янада кучли, боғланган, бардошли ва фаровон қилишга қаратилган қишлоқ шартномаси ва Европа Иттифоқининг қишлоқ ҳаракат режасини ҳамда бир қатор етакчи ташаббусларни, жумладан “Ақлли қишлоқ”ни Аниқ деҳқончилик - бу аниқ вақт жараёнида деҳқон хўжалигини кузатиш, экин далаларнинг ҳосилдорлигини ўлчаш ва ҳайвонларнинг ўзгарувчанлигига жавоб берадиган бошқарув ёндашуви. Бу экинлар ҳосилдорлиги ва ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини оширишга, харажатларни, шу жумладан меҳнат харажатларини камайтиришга ва технология киришини оптималлаштиришга ёрдам беришди¹¹”; таклиф қилади¹². Европа Комиссияси “Ақлли қишлоқ”ни ривожлантириш ташаббусида 5 та энг муҳим йўналишни келтиради(2-расм).

⁹ Komorowski Lukasz and Stanny Monika: Smart Villages: Where Can They Happen? [Кириш йўли] https://www.mdpi.com/2073-445X/9/5/151#fig_body_display_land-09-00151-f007 (мурожат қилинган вақт 04.08.2023 йил соат 16:32)

¹⁰ Terminology Coordination European Parliament DG Trad [кириш йўли] <https://termcoord.eu/2021/05/iate-term-of-the-week-smart-villages-strategy/> (мурожат қилинган вақт 05.08.2023 йил соат 16:00)

¹¹ www.google.com [кириш йўли]

https://www.google.com/search?q=precision+farming&rlz=1C1GCEFA_enUZ1039UZ1039&og=precision+farming&ags=chrome..69i57j46i512j0i512l8.22626j1j7&sourceid=chrome&ie=UTF-8 (мурожат қилинган вақт 15/08/2023 йил соат 10:00)

¹² European smart villages forum [кириш йўли] <https://smart-villages.info/> (мурожат қилинган вақт 06.08.2023 йил соат 15:37)

2-расмда келтирилган 5 та йўналишни Европа Комиссияси ҳар бирини асослаган. Жумладан:

Биринчи йўналишда, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини табиий етиштириш учун аграр соҳада ақлли технологияларни қўллаш аграр муаммоларнинг самарали ечими сифатида қаралади ва ушбу йўналишнинг ўзини уч пунктга ажратади:



3-расм. Фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларнинг истеъмолга йўналиш механизми¹³.

1.1. Фермадан истеъмолгача – ушбу жараёнда таъминот занжирини яратиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ферма, корхона, логистика, савдо ва истеъмолгача бўлган етказиш ҳаракати, “Ақлли механизмини” ташкил этади(3-расм);

1.2. Рақамли платформалар – Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, ҳаракатини кузатиш билан боғлиқ бўлган, самарали ишларни ташкил этишга кўмаклашадиган тизимдир.

Иккинчи йўналишда, рақамли технологиялар барча йўналишларнинг провайдери сифатида қаралади. Суний интеллект, роботтехнологиялар, электрон узатиш қурилмалари, мобил банк, дрон аппаратлари, кабилар “Ақлли қишлоқ”нинг муҳим таркиби сифатида қишлоқ шароитида қўллаш учун қулай бўлган муҳитни яратиш назарда тутилган бўлиб, унинг ўзи ҳам олти йўналишдан таркиб топган:

2.1. Интернетга уланиш – интернет масаласи қишлоқ аҳолисининг энг катта муаммоларидан бири. Бу масаланинг ҳал этилиши қишлоқ жойларининг ривожланишига замин яратади;

2.2. Сунъий йўлдош – интернет, GPS, бошқа тармоқларни улаш, кузатиш, тоғли ҳудудларда ҳам алоқа имкониятларини тақдим этади;

¹³ SketchBubble маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси [кириш йўли] <https://www.sketchbubble.com/en/presentation-farm-to-fork.html> (мурожаат қилинган вақт 15/08/2023 йил соат 11:37)

2.3. Электрон маълумотлар базаси – бунда қишлоқ аҳолиси ва ташкилотларнинг маълумотлар базаси билан таъминлаш назарда тутилиб, иш имкониятларни осонлашишига хизмат қиладиган тизим тушунилади;

2.4. Оптик тола ва 5G – интернет ва алоқанинг тезкор воситалари тушунилади;

2.5. Рақамли платформалар – “Ақлли қишлоқ” мобил банк, блокчейн, каби махсус дастурий таъминот платформаси;

2.6. Рақамли кўникма ва малака – Қишлоқ жойларида аҳолининг билим савияси, малакаси, замонавий воситаларни бошқара-олиши тезкорлик билан ривожланишга замин яратиши билан боғлиқ.

Учинчи йўналишда, инсонлар учун ижтимоий хизматлар деб номланган бўлиб, бўлимнинг ўзи ҳам бешта пунктдан таркиб топибган, аҳолига кўрсатиладиган хизматларни қамраб олган қуйидаги йўналишлардан иборат:

3.1. Таълим – мактабгача, мактаб, олий таълим ва бошқа хусусий таълим муассасалари;

3.2. Электрон соғлиқни сақлаш ва электрон хизмат кўрсатиш – бу замонавий соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатиш шакли;

3.3. Кооператив тузилма – бу одатда иқтисодий соҳада умумий мақсадга эришиш учун бир гуруҳ шахслар бирлашадиган ташкилий тузилма;

3.4. Санъат ва маданият - бу бадиий ифоданинг турли шакллари, шу жумладан расм, ҳайкалтарошлик, адабиёт, мусиқа ва рақсни ўз ичига олган кенг ва хилма-хил соҳадир. У маълум бир жамият ёки жамиятнинг қадриятлари, эътиқодлари ва амалиётларини акс эттиради ва ижодий ифода ва мулоқот учун восита бўлиб хизмат қилади. Санъат маданияти, шунингдек, турли жамоалар ўртасида маданий алмашинув ва тушунишни ривожлантириш ва ўзига хослик ва тегишлилик туйғусини тарбиялашда муҳим рол ўйнайди. Бу инсоний тажрибаларнинг муҳим жиҳати бўлиб, қишлоқ ижодини, маданиятларининг бойлигини ва хилма-хиллигини намойишидир;

3.5. Рақамли платформалар – аҳолига хизмат кўрсатишга қаратилган ижтимоий платформалар.

Тўртинчи йўналишда, Яшил энергия ва ҳаракатчанлиги деб номланган бўлиб, турли транспорт воситаларида барқарор ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, қуёш ёки шамол энергияси каби тоза энергия билан ишлайдиган электр транспорт воситаларини, қазилма ёқилғидан фойдаланишни камайтиришга, турли иссиқлик газлари чиқиндиларини камайтиришга қаратилган қуйидаги бешта йўналишдан таркиб топган:

4.1. Мобиллик ечимлари сифатидаги рақамли платформа – бу платформалар фойдаланувчиларни саёҳат алмашиш хизматлари, велосипед ва скутер ижараси ва ҳатто жамоат транспорти маълумотлари каби турли хил транспорт имкониятлари билан боғлайди. Рақамли платформалар томонидан тақдим этилган қулайлик ва мослашувчанлик одамларнинг саёҳат ва қатнов усуллари ўзгартирди. Улар реал вақтда янгиланишларни, узлуксиз брон қилиш жараёнларини ва тўлов интеграциясини таъминлайди, бу эса умумий тажрибани янада самарали ва фойдаланувчиларга қулай қилиш воситаси.

4.2. Нол даражадаги чиқинди – бу чиқиндиларни минималлаштириш ва атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга қаратилган турмуш тарзи фалсафаси. Бу қишлоқ

жойларида истеъмол одатларини қайта кўриб чиқиш, бирмарталик ишлатиладиган буюмларни рад этиш ва қайта ишлатиш усулларини топишни ўз ичига олади.

4.3. Нолинчи эмиссия ҳаракатчанлиги – бу одатда электр энергияси ёки бошқа тоза энергия манбалари билан ишлайдиган эмиссия ёки ифлосланиш ҳосил қилмайдиган тизимлар йўналиши.

4.4. H₂, батария ва газ – бу йўналиш энергиянинг водород ёнилғисидан фойдаланиш технологиясини қўллаб-қувватлайди.

4.5. Яшил энергия ечими – бу электр энергиясини ишлаб чиқариш ёки энергия эҳтиёжларини қондириш учун қайта тикланадиган манбалардан фойдаланишни англатади. Бунга қуёш, шамол, гидроэнергия ва геотермик энергия каби барқарор манбалардан қувват олиш ёки иситиш ва ташиш учун биоёқилғи ва биомассадан фойдаланиш киради¹⁴.

Бешинчи йўналишда иқтисодиёт киритилган бўлиб, қишлоқ аҳолиси бандлиги, даромадлари ва иш ҳақи, инвестиция қўйилмалари, корхоналарнинг сони ва фаолият самарадорлиги, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёни билан боғлиқ бўлган, қишлоқ жойлари учун муҳим ва мураккаб йўналиш сифатида қаралиб, унга пунктга ажратилган:

5.1. Доиравий иқтисодиёт – Атроф-муҳитга чиқаётган чиқиндиларни минималлаштириш ва таъсирини камайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш, йиғиш, сотиш ва улардан фойдаланиш усулини ўзгартиришдан иборат фаолият ;

5.2. Инвестициялар – бу моддий ва номоддий кўринишга эга бўлган, инновацион ғоялар ва капитал қўйилмаларни ҳаракатга келтирадиган фаолиятдир;

5.1. Кичик ва ўрта корхоналар – қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, иш ўринларини яратиш, товар ва хизматларни ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектлари ҳал қилувчи рол ўйнайди. Аммо, қишлоқ жойларида кичик ва ўрта корхоналар сонининг камлиги, уларнинг фаолият юритишларидаги турли муаммолар сабабли қийинчиликга дуч келмоқда. Европа Комиссияси “Ақлли қишлоқ” дастурини қишлоқ жойларида ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари муҳим аҳамиятга эга деган қарорга келган.

Ҳиндистонлик олим Парвеен Кумар “Ақлли қишлоқ” ва “Ақлли маҳалла” категориясини бир-бири билан синоним тушунча деб қарайди. Унинг фикрича қишлоқ жойларида ҳар қандай ақлли тизимни яратишда тадбиркорлик омили муҳим ўрин тутди. Агар ушбу омилдан унумли фойдаланилмаса ақлли тизим ҳам инқирозга учрайди деб ҳисоблайди. Аммо олим тадбиркорлик омили деганда нимани назарда тутганлигини очиқ бермаган. Лекин, “Ақлли маҳалла”, “Ақлли мобиллик”, “Ақлли энергия” ва “Ақлли қишлоқ” кабиларнинг асосий ўзагини замонавий инновацион технологиялар акс эттириши зарурлигини қайд этади.



2-расм. Ақлли қишлоқни ривожлантириш йўналишлари¹⁵.

Қишлоқ жойларини “Ақлли қишлоқ”га айлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси асосий ўринда туришини Вангевелд ва Холмслар илгари суришади. Улар соғлиқни сақлаш, таълим, озиқ-овқат хизматлари, аграр хизматлар, атроф-муҳит хизматлар ва қишлоқ жойларини ободонлаштириш билан боғлиқ хизматлар “Ақлли қишлоқ”нинг асосини ташкил этади¹⁶ деган тасаввурларини таклиф этишади. Юқоридагилардан кўриш мумкинки замонавий ривожланишнинг ҳар қандай кўриниши хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ.

Хулоса ва таклифлар

Қишлоқ жойларида “Ақлли қишлоқ” ёки “Ақлли маҳалла” тизимини яратиш орқали замонавий хизматларни жорий қилиш мумкин. “Ақлли қишлоқ” ёки “Ақлли маҳалла” платформасининг ўзига турли хизмат кўрсатиш турларини киритиш билан ақлли платформа яратилади. Ушбу платформа қишлоқ жойларида замонавий хизматларни кўрсатади. Аммо, мамлакатимизда ҳозирги вақтда Европа Иттифоқи тавсиялари бўйича қишлоқ жойларида 5 та йўналишдаги “Ақлли қишлоқ” тизимини яратишда мураккаб технологияларнинг ўрнатилиши, уларни ишлатиш қобилияти, турли сарф-харажатлар билан боғлиқ. Лекин, қишлоқ жойлари маҳаллалари кесимида турли хизматларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Шулардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 – йил 11 – майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора – тадбирлари” ПҚ – 5113 сон қароридир. Ушбу қарор қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришни назарда тутди. Маҳаллалар кесимида қуйидаги 18 та хизмат кўрсатиш турларини жадал ривожлантириш белгиланган:

1. Сартарошхона;
2. Савдо дўконлари;
3. Дорихоналар;
4. Мактабгача таълим ташкилотлари;
5. Таълим марказлари;
6. Гўзаллик салони;
7. Маиший техникаларни таъмирлаш;
8. Автотранспорт воситаларини таъмирлаш;
9. Тантаналар ва оилавий тадбирларни ташкил этиш хизматлари;
10. Пойабзал тикиш ва таъмирлаш;
11. Кийим тикиш ва таъмирлаш (ателье);
12. Интернет заллари;
13. Нусха кўчириш;
14. Автотранспорт воситаларини ювиш шохобчаси;
15. Хўжалик моллари ва уй-рўзғор буюмларини ижарага бериш;
16. Зооветеринария пунктлари;
17. Умумий овқатланиш хизматлари;
18. Спорт майдончалари;

Умумий хулоса қилиб айтганда “Ақлли қишлоқ” ёки “Ақлли маҳалла” тизимини яратишда ҳар бир қишлоқ ва маҳалланинг республика миқёсидаги ягона платформасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, республикадаги

ягона “Ақлли қишлоқ” ёки “Ақлли маҳалла” платформаси орқали керакли қишлоқ маҳалласи танланади ва автоматик танланган маҳалланинг кўча номлари билан ҳаритаси ойнага чиқади. Шунингдек қанақа хизмат кўрсатиш муассасалари мавжудлиги, қишлоқ ва маҳалла ҳудудининг қаерида жойлашганлиги турли буюртмалар ва хизматлар ҳам ўз аксини топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Осипов Ю.С.— М.: Большая российская энциклопедия, Сектор экономики. 2004—2017.
2. Восколович Н.А., Молчанова И.Н. Социально-экономические проблемы развития отдельных отраслей сферы услуг: Сборник статей / Под ред.— М.: Экономический факультет МГУ имени М. В. Ломоносова, 2017. — 199 с.
3. Экономическая и социальная география России: География отраслей народного хозяйства России / Под ред. В. Л. Бабурина, М. П. Ратановой. — М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2013. — 516 с. — ISBN 978-5-397-03460-9
4. Komorowski Lukasz and Stanny Monika. https://www.mdpi.com/2073-445X/9/5/151#fig_body_display_land-09-00151-f007
5. <https://smart-villages.info/>
6. Parveen Kumar “Smart neighborhood to enhance social sustainability and inclusive planning in smart cities” [кириш йўли] [https://www.researchgate.net/publication/289509973 SMART NEIGHBORHOOD TO ENHANCE SOCIAL SUSTAINABILITY AND INCLUSIVE PLANNING IN SMART CITIES Category Theme 1 Urban Regeneration and Sustainability or Theme 4 Smart City](https://www.researchgate.net/publication/289509973_SMART_NEIGHBORHOOD_TO_ENHANCE_SOCIAL_SUSTAINABILITY_AND_INCLUSIVE_PLANNING_IN_SMART_CITIES_Category_Theme_1_Urban_Regeneration_and_Sustainability_or_Theme_4_Smart_City)
7. Van Gevelt, Holmes J.A. “Vision for Smart Villages” [кириш йўли] <https://e4sv.org/wp-content/uploads/2015/08/05-Brief.pdf>
https://enrd.ec.europa.eu/smart-and-competitive-rural-areas/smart-villages/smart-villages-portal_en
8. <https://smart-villages.info/>
9. <https://www.sketchbubble.com/en/presentation-farm-to-fork.html>
10. www.google.com
11. <https://greenenergysolution.org/en/>
12. [https://www.alec.org.au/no more hidden waste a circular economy for the future](https://www.alec.org.au/no_more_hidden_waste_a_circular_economy_for_the_future)
13. Parveen Kumar “Smart neighborhood to enhance social sustainability and inclusive planning in smart cities” [кириш йўли] [https://www.researchgate.net/publication/289509973 SMART NEIGHBORHOOD TO ENHANCE SOCIAL SUSTAINABILITY AND INCLUSIVE PLANNING IN SMART CITIES Category Theme 1 Urban Regeneration and Sustainability or Theme 4 Smart City](https://www.researchgate.net/publication/289509973_SMART_NEIGHBORHOOD_TO_ENHANCE_SOCIAL_SUSTAINABILITY_AND_INCLUSIVE_PLANNING_IN_SMART_CITIES_Category_Theme_1_Urban_Regeneration_and_Sustainability_or_Theme_4_Smart_City)
14. Van Gevelt, Holmes J.A. “Vision for Smart Villages” [кириш йўли] <https://e4sv.org/wp-content/uploads/2015/08/05-Brief.pdf>